2012 йил 30 август, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 176-177 (12.237-12.238)

Баҳоси эркин нархда

## ХАЛҚИМИЗ БУЮК БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.***

Мамлакатимизда барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар, улкан миқёсдаги бунёдкорлик ишлари, янгидан-янги саноат корхоналари, маданият ва спорт иншоотлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, савдо марказлари, турар жойлар, йўллар барпо этиш изчил давом этмоқда. Бундай иншоотларни энг улуғ ва энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш анъанага айланган. Ана шу хайрли анъанага мувофиқ истиқлолимизнинг 21 йиллик байрами олдидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, пойтахтимизда кўплаб янги иншоотлар қуриб битказилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 29 август куни Тошкент шаҳридаги ана шундай иншоотларнинг айримлари билан танишди.

Президентимиз академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг Кардиожарроҳлик мажмуасига ташриф буюрди.

Юртбошимиз раҳнамолигида тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида аҳолига кардиология йўналишида кўрсатилаётган хизматлар кўламини янада кенгайтириш, профилактика ва диагностика ишлари самарадорлигини ошириш ва тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётир. Кардиожарроҳлик мажмуаси мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури доирасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг ёрқин намунасидир.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни такомиллаштириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг энг илғор услубларига асосланган юқори малакали тиббий ёрдам тизимини яратиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг устувор вазифаларидандир. Тўрт қаватли мазкур марказ кардиология жарроҳлиги йўналишида фойдаланиладиган барча замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган. Мажмуанинг биринчи қаватида кунига икки юз беморни кўрикдан ўтказишга мўлжалланган поликлиника, қон қуйиш станцияси, стационар шароитда даволанадиган беморларни қабул қилиш хонаси, конференция зали ва бошқа хизмат хоналари жойлашган.

Бинонинг иккинчи қаватида уч ёшгача бўлган болаларнинг туғма юрак нуқсонларини даволаш бўлими, интервенцион кардиология ва юрак уриш ритми бузилиши бўлими ҳамда ангиографик жарроҳлик хоналари мавжуд.

Учинчи қаватда кардиожарроҳлик бўлимининг палата, гемодиализ ва трансплантация бўлимлари, клиник-диагностика лабораторияси ва диагностика хоналари жойлашган. Тўртинчи қават эса реанимация бўлими ва иккита кардиожарроҳлик хоналарига эга.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишар экан, жарроҳлик амалиёти жараёнида фойдаланиладиган замонавий тиббиёт техникаси ва технологияларининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

– Жарроҳликда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни ўрнатишда уларнинг имконияти ва замонавийлигини инобатга олиш керак, – деди Президентимиз. – Бу жараёнларнинг замирида инсоннинг соғлиғи, ҳаёти мужассам эканлигини асло унутмаслигимиз лозим. Жарроҳлик соҳасини янада тараққий эттириш учун ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида қўлга киритилаётган улкан ютуқларни дунё ҳамжамиятига кенг намойиш этиш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарур.

Бундай марказларнинг ташкил этилиши, мавжудларининг қайта реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар, техника ва технологиялар билан жиҳозланиши халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат кўламини янада кенгайтириш, диагностика ва даволаш борасидаги юксак технологияларни ўзлаштириш ҳамда улардан амалда оқилона фойдаланиш имкониятини бераётир. Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир – стационар ва амбулатор шароитда ҳар йили қарийб ўттиз беш минг беморга маслаҳат-ташхис ва даволаш хизмати кўрсатилмоқда.

Марказнинг ўзида яратилган ишланмалар асосида мураккаб операциялар амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, бу инсон ҳаёти учун муҳим органларни қайта тиклаш жарроҳлигига тааллуқлидир. Бу борада ўткир миокард инфаркти, буйрак томирларининг шикастланиши, қорин бўшлиғи, қўл-оёқ томир тизими касалликлари бўйича мураккаб операцияларни амалга ошириш услуби пухта ўзлаштирилди, микрожарроҳлик ва кардиожарроҳлик хизматини ривожлантиришга эришилди. Операциялар юрак очилган ҳолда ҳам, у ишлаб турган пайтда сунъий қон айлантириш аппарати уланмасдан ҳам амалга оширилмоқда. Марказ минтақамизда жигар циррози ва унинг асоратларини жарроҳлик йўли билан даволайдиган ягона клиникадир.

Ушбу марказнинг фаолияти Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар нечоғли юксак самара бераётганидан ёрқин далолатдир. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.



Давлатимиз раҳбари «Бунёдкор» футбол мажмуасидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактаби фаолияти билан танишди.

Футболни ривожлантириш, ўзбек футболининг ёрқин келажагини таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялаш мақсадида «Бунёдкор» футбол мажмуасида болалар ва ўсмирлар футбол мактаби барпо этилди. Ушбу мактаб келажакда халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир, иқтидорли ва истиқболли футболчиларни тарбиялаш учун мўлжалланган. Бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим олиши, ўз иқтидор ва маҳоратини ошириши учун барча шароитлар яратилган.

Мазкур мактаб ўқувчилари бошланғич, тайёрлов, такомиллашув каби уч босқичда таҳсил олади. Болаларга тажрибали, профессионал мураббийлар таълим беради.



Аъло Абдуллаев, Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган суратлар

Мактаб мажмуаси ўқув-маъмурий корпус, ётоқхона, спорт зали, сув ҳавзаси, ошхона биноларини ўз ичига олган. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дам олиш хоналари, мажлислар зали мавжуд.

Синф хоналари ўқув дастурлари, локал тизим ва интернетга эга компьютерлар билан жиҳозланган. Ҳар бири 2 ўқувчига мўлжалланган ётоқхоналарда барча шарт-шароит мавжуд.

Мактабдаги сузиш ҳавзасини сувга тўлдириш, иситиш, фильтрлаш, тўкиш тизимлари тўлиқ автоматлаштирилган, замонавий юқори технологик ускуналар билан таъминланган. Бу ерда тиббий бўлим ҳам мавжуд.

Президентимиз бу ерда таҳсил оладиган болалар ва ўсмирларнинг нафақат футбол бўйича маҳоратини оширишга, балки бошқа фанлар юзасидан ҳам билим ва кўникмаларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этди. Бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорликда ушбу мактаб учун махсус дастур тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланган ушбу таълим даргоҳида яратилган кенг имкониятлар, машғулотларнинг юқори савияда, энг илғор усуллар асосида олиб борилиши ёш футболчиларнинг ўз кучи ва салоҳиятига бўлган ишончини ошириши, шубҳасиз.

Президентимиз Ислом Каримов янги қурилган «Бунёдкор» стадионини бориб кўрди.

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори футболни ривожлантириш, юксак маҳорат ва профессионал кўникмаларга эга ёш футболчиларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига биноан Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилган. Бугун ушбу жамғарма томонидан болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканлари, хусусан, сунъий қопламали майдонларни барпо этиш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётир.

Президентимизнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган 2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, юртимизда янги стадионлар барпо этилмоқда, мавжудлари реконструкция қилинмоқда, болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Энг замонавий талаблар асосида қурилган «Бунёдкор» стадиони диёримиз бўйлаб изчил давом этаётган бунёдкорлик ишларининг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

34 минг ўринли стадион трибуналарида томошабинлар учун мўлжалланган ўринлар пастки ва юқориги қаватларга бўлинган. Шунингдек, бу ерда ногиронлар учун мўлжалланган алоҳида сектор мавжуд.

Давлатимиз раҳбари стадионда хавфсизликни таъминлаш, томошабинлар маданияти масалалари хусусида алоҳида тўхталди.

Биз жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган улуғ мутафаккир ва алломаларнинг авлодларимиз, бой маданиятга, эзгу қадриятларга эга халқмиз, деди давлатимиз раҳбари. Халқимизнинг ана шундай гўзал фазилатлари мана бундай стадионларда ўтказиладиган футбол учрашувлари, турли спорт мусобақаларида ҳам намоён бўлиши керак. Ким қайси жамоа ёки футбол клубига мухлислик қилишидан қатъи назар унда ўзаро ҳурмат, юксак маданият бўлиши даркор. Бу борада Ўзбекистон футбол федерацияси, футбол клубларимиз раҳбарлари, мутахассислар футбол мухлислари ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши лозим. Бир сўз билан айтганда, юртимизда мухлислик маданиятини ҳам энг юқори даражага кўтаришимиз даркор.

«Бунёдкор» стадионида спортчилар ва мухлислар учун яратилган шароит ва қулайликлар энг замонавий талабларга жавоб беради. Хусусан, биринчи қаватда спортчилар, ҳакамлар, мураббийлар, футбол маъмурлари учун мўлжалланган хоналар, ошхоналар, матбуот анжуманлари зали, футбол клуби музейи мавжуд. Стадионнинг иккинчи қаватида учта ресторан, фитнес маркази барпо этилган.

«Бунёдкор» стадионининг муҳандислик таъминотига алоҳида эътибор билан ёндашилган. 11х7,5 метр ўлчамдаги иккита видео-табло мухлисларга футбол учрашувини ҳар томонлама кўриш имкониятини беради. Ёритиш ускуналари ФИФА талабларига тўла мос келади. Бу ерга ташриф буюрган мухлисларга маълумотларни тез ва сифатли етказиш имконини берадиган замонавий аудиосистема, рекламаларни намойиш қилиш учун футбол майдони четида видеоборт мосламалари ўрнатилган. Мусобақаларни тўғридан-тўғри эфирга узатувчи теле ва радиотрансляция тизими, шарҳловчилар хонаси халқаро стандартлар даражасида.

Ислом Каримов стадионда бир гуруҳ ёш футболчилар билан суҳбатлашди. Уларнинг орзу-интилишлари билан қизиқди, уларга ўз совғаларини тақдим этди.

Истиқлолимиз шарофати билан бундай муҳташам иншоотларни бунёд этиш имкониятига эга бўлдик. Бу барчамизни қувонтиради, деди давлатимиз раҳбари. Энг улуғ, энг азиз айёмимиз – Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилган, илгари тасаввур қилишимиз ҳам қийин бўлган ушбу янги замонавий футбол мажмуи барчамиз учун, бутун халқимиз учун ажойиб байрам совғаси бўлди.

Мустақиллигимиз берган имкониятларнинг ҳаётимиздаги ифодаси бўлган бундай кенг миқёсдаги қурилиш ишлари, спортни ривожлантириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган бу каби иншоотлар баркамол авлодни тарбиялаш, эл-юртимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилиши баробарида халқимиз буюк бунёдкорлик салоҳиятининг ҳам яққол намойишидир.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Ирода УМАРОВА,**
**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам сиҳат-саломатлик, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, чин қалбдан эзгу истаклар билдирилган.*

*Жумладан, Хитой Халқ Республикаси Раиси ва Америка Қўшма Штатлари Президенти томонидан йўлланган табрикларда шундай дейилади:*

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст халқингизга Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати, хитой халқи ва шахсан ўз номимдан самимий қутловлар ва энг эзгу тилакларимизни йўллайман.

Мустақилликнинг 21 йили мобайнида Сиз, Жаноби Олийларининг узоқни кўзлаган раҳбарлигингиз остида Ўзбекистон ижтимоий уйғунлик ва барқарорликни муттасил сақлаб келмоқда, иқтисодиётнинг устувор даражада ривожланишини таъминламоқда ва ўзининг тараққиёт йўлига амал қилган ҳолда ғоят катта ислоҳотларни олиб бормоқда ва халқаро ҳамжамиятнинг эътирофи ҳамда ҳурматига сазовор бўлмоқда, бунга эса Хитой томони Ўзбекистоннинг самимий дўсти ва ишончли шериги сифатида чин дилдан қувонмоқда. Ўзбекистонга Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлиги остида давлат қурилиши соҳасида яна ҳам ёрқинроқ муваффақиятларга эришишини тилайман ва бунга менинг ишончим комил.

Хитой билан Ўзбекистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан кейин ўтган 20 йил давомида икки томонлама муносабатлар соғлом ва барқарор тарзда изчил ривожланиб бормоқда. Ҳар иккала томон сиёсий соҳада бир-бирига ишонч билан қарайди, иқтисодиётда ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттирмоқда, хавфсизлик соҳасида мустаҳкам алоқаларни сақлаб қолмоқда ва халқаро ҳамда минтақавий масалаларда ўзаро мадад ва ёрдам кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг июнь ойида Сиз, Жаноби Олийларининг Хитойга ғоятда муваффақиятли ташрифингиз амалга оширилди, Сиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг йиғилишида ҳам иштирок этдингиз.

Ташриф давомида биз Хитой билан Ўзбекистон ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма Декларацияни имзоладик, бу эса икки томонлама муносабатларнинг юқори поғонага кўтарилишини таъминлади, уни янги ривожланиш босқичига олиб чиқди ва тараққиётнинг яна ҳам кенгроқ истиқболларини очди. Мен Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантириш борасида Сиз, Жаноби Олийлари билан биргаликда саъй-ҳаракат қилишга тайёрман, бу шериклик иккала давлат ва халқларнинг манфаатлари йўлида тўлақонли ва бой мазмунга эга бўлади.

Ўзбекистонга куч-қудрат ва равнақ, унинг халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ тилайман ва энг эзгу истакларимни изҳор қиламан.

**Ху ЦЗИНЬТАО,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

1 сентябрь – Мустақиллик куни муносабати билан мен Ўзбекистон халқини Америка Қўшма Штатлари халқи ва шахсан ўз номимдан муборакбод этаман.

Мамлакатларимиз ўзаро муносабатларимизни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадамлар қўйди ва ишончим комилки, бизнинг ўзаро ҳурмат ҳамда эзгу ният ва интилишларимизга асосланган шериклигимиз бундан буён ҳам ўсиб, ривожланиб бораверади.

Сизга ва Ўзбекистон фуқароларига байрамни шод-хуррамлик билан ўтказишингизни тилайман.

Эҳтиром ила,

**Барак ОБАМА,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

* * *

Шунингдек, қуйидагилар ҳам ўз қутловларини йўллашган:

Корея Республикаси Президенти
**Ли Мён Бак**

Германия Федератив Республикаси Президенти
**Йоахим Гаук**

Болгария Республикаси Президенти
**Росен Плевнелиев**

Саудия Арабистони Подшоҳи,
Икки муқаддас масжид ходими
**Абдулла бин Абдулазиз Ол Сауд**

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди,
Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари,
Мудофаа вазири **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**

Украина Президенти
**Виктор Янукович**

Туркманистон Президенти
**Гурбангули Бердимуҳамедов**

Ислом тараққиёт банки президенти
**Аҳмад Муҳаммад Али**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

# ЎЗБЕКИСТОН — ШРИ-ЛАНКА: ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида «Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири Шри-Ланканинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Москвада) Удаянга Виратунга билан суҳбатда бўлди. Мулоқот чоғида элчи жаноблари юртимизнинг истиқлол йиллари давомидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ҳамда Ўзбекистоннинг минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдаги ўрни тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.***

– Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан буён босиб ўтилган йўлни таҳлил қилар эканмиз, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатингиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда салмоқли муваффақиятларга эришди. Глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, 2011 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 8,5 фоизни ташкил этган эди, жорий йилда ҳам худди ана шундай ўсиш кузатилмоқда. Бу, ўз навбатида, юртингиз иқтисодиёти жадал ривожланаётганидан далолат беради. Мамлакатингиз эришган ютуқлар бизга қувонч бағишлайди ва биз Ўзбекистон муваффақиятларини катта қизиқиш билан кузатиб боришда давом этамиз.

Шри-Ланканинг Ўзбекистон билан икки томонлама муносабатларига тўхталганда, халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ ривожланиб борганини эслашимиз жоиз деб биламан. Ўша даврда Тошкент киноанжуманида мамлакатимиз вакиллари ҳам иштирок этгани ҳали-ҳамон ёдимда. Шри-Ланка ижодкорлари томонидан яратилган бадиий киноасарлар мунтазам равишда ушбу тадбирнинг маданият соҳасидаги мукофотларини қўлга киритган, Тошкент киноанжуманида эътибор қозонган фильмлар мамлакатимизда намойиш қилинганида эса, уларни албатта кўриш лозимлигини барча эътироф этарди. Буларнинг ҳаммаси бизнинг хотирамизда ёрқин ҳодиса сифатида сақланиб қолган.

1999 йили жаноб Нагорпитчай Сиккандер Шри-Ланканинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси бўлди. 2009 йилда эса мен Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирига ишонч ёрлиқларини топширдим.

Маълумки, 2009 йили мамлакатимиз Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг мулоқот бўйича шериги бўлган эди. Шундан сўнг Ўзбекистон билан икки томонлама муносабатлар тараққиётида янги босқич бошланди. Ҳозирги вақтда Шри-Ланка ва Ўзбекистон ўртасида икки томонлама ва минтақавий даражадаги алоқаларни чуқурлаштириш масаласи бизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Жорий йили ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишларини ўрганиш мақсадида мамлакатимиз делегациясини юртингизга жўнатиш режалаштирилмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон минтақада хавфсизликни таъминлашга қаратилган улкан саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тикланишида фаол иштирок этаётгани барчамизга маълум. Шу ўринда Ўзбекистон Афғонистон шаҳарларини узлуксиз равишда электр энергияси билан таъминлаётгани, Ҳайратон ва Мозори Шариф шаҳарларини боғловчи мамлакат тарихидаги биринчи темир йўлнинг қурилиши ҳам алоҳида эътиборга моликдир.

Юртингиз Мустақиллигининг 18 йиллик байрами ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонланаётган кунлари Ўзбекистонга бўлган ташрифларимни ҳали-ҳамон мамнуният билан хотирлайман. Мамлакатингизда ўзбек халқининг моддий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, жаҳон аҳамиятига эга тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш ва таъмирлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар менда алоҳида таассурот қолдирди.

Яқинлашиб келаётган Мустақиллик куни муносабати билан Ўзбекистон давлатига янада гуллаб-яшнаш, ўзбек халқига эса саломатлик, фаровонлик тилайман. Бундан ташқари, мамлакатингиз ҳар бир оиласида қувонч ва осойишталик бардавом бўлсин, дея истак билдиришни истар эдим.

**«Жаҳон» АА
Москва**

# ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН МАДҲИ

***Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови жараёнида она юртга муҳаббат руҳи билан йўғрилган юксак савиядаги қўшиқлар яратилмоқда.***

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Мудофаа, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида ташкил этилган мазкур ижодий танлов мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтказилди.

Мамлакатимизда миллий мусиқа санъатини равнақ топтириш, ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг кўнгил мулкига айланувчи юксак савияли қўшиқларни яратишни рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови янгидан-янги истеъдод соҳибларини кашф этиш, шоир, бастакор ва хонандалар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Танловда ёши, касби, миллати, профессионал тайёргарлик даражасидан қатъи назар, барча хонандаларнинг иштирок этиши унинг нуфузи ва қамровини янада оширмоқда.

Жорий йилда танловнинг республика босқичида 26 нафар хонанда ва 6 жамоа иштирок этди. Танловда асарларнинг бадиий матни, мусиқасининг ўзига хослиги, ижтимоий аҳамияти, хонандаларнинг маҳоратига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, биринчи ўрин Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов сўзи, Шавкат Мирзаев мусиқаси билан ижро этилувчи «Зафар таронаси» қўшиғи учун Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиевага берилди.

Иккинчи ўринга Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо шеъри, Рустам Абдуллаев мусиқаси билан Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова ижросидаги «Менинг Ватаним» қўшиғи ҳамда Гулистон Давлатова шеъри, Нажиматдин Муҳаметдинов мусиқаси билан Нукус шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги «Квартет» гуруҳи ижросидаги «Она ер» қўшиғи лойиқ топилди.

Учинчи ўрин Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов сўзи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Илҳом Иброҳимов ижросидаги «Бир диёр бор!» қўшиғи ҳамда Яхшигул Хидирова сўзи, Насиба Сатторова мусиқаси билан хонанда Севара Жўраева ижросида айтилувчи «Ватанимсан» қўшиғи учун берилди.

**(ЎзА)**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ: ЯНА БИР ЮКСАК ЭЪТИРОФ



***Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган улкан ютуқ ва марралар ҳақида сўз юритилганда, бошқа муҳим соҳалар қатори таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган умуммиллий дастурларимиз, уларнинг улкан амалий натижалари биринчи навбатда тилга олинади.***

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бугунги кунда ҳар қайси халқ, давлат ва жамиятнинг тараққиёт даражаси авваламбор унинг инсон капиталига, инсон ривожига бераётган эътибори, шу йўлдаги саъй-ҳаракатлари билан ўлчанади. Жаҳондаги энг нуфузли ташкилот – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига айни шу масалаларнинг устувор йўналишлар сифатида киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ўзбекистон ўз мустақил тараққиётининг биринчи кунларидан бошлаб инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини олий қадрият сифатида улуғлаб, бу ғояни давлатимиз Конституциясида ҳуқуқий қоида шаклида мустаҳкамлаб қўйди. Шу асосда ўтган даврда ғоят кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, инсон манфаатларини таъминлаш барча ўзгариш ва ислоҳотларимизнинг бош мақсадига айланди. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримовнинг БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлиси минбаридан туриб сўзлаган нутқи ва бошқа чиқишларида атрофлича фикр юритилгани, бу борада яқин ва олис истиқболга мўлжаллаб қабул қилинган стратегик дастурларимизнинг мазмун-моҳияти кенг баён этилгани жамоатчилигимизга яхши аён, албатта.

Ўз вақтида узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган, изчиллик билан амалга оширилаётган, дунёда ўхшаши кам бўлган умуммиллий дастурларимиз туфайли таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, болалар спортини ривожлантириш, ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали тизим, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос модель шаклланди.

Энг муҳими, уларнинг ҳар бири юртимизда янги демократик жамият қуриш концепциясининг узвий таркибий қисми сифатида буюк келажагимиз биносини барпо этишда ғоят муҳим роль ўйнамоқда. Бу дастурлар тобора амалий ҳаётимиздаги реал қадриятга, янгича ҳаёт ва дунёқараш негизига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Бугунги кунда бу йўлда қатъият билан олиб борилаётган ишларнинг аниқ натижаларини ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида ҳис этаётгани, уларнинг онгу тафаккури, маънавий олами ана шундай ўзгаришлар туфайли юксалиб бораётгани шундай деб таъкидлашга асос беради.

Бу ҳақда гапирганда, ўтган йилнинг ноябрь ва шу йилнинг февраль ойларида мамлакатимиз пойтахтидаги Симпозиумлар саройида ўтказилган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» ҳамда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциялар ҳақида эслаш ўринлидир. Хусусан, юқорида зикр этилган иккинчи халқаро анжуманда дунёдаги 8 та нуфузли халқаро ташкилот ва 48 давлатдан 270 нафар иштирокчи қатнашди. Уларнинг барчаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида юртимизда амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишиб, мактабларда, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида бўлиб, Ўзбекистонда таълим соҳасида шаклланган самарали моделни юксак баҳоладилар, бу борада тўпланган тажрибаларни бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этиш мумкин, деган хулосага келдилар.

Таъкидлаш керакки, бундай эътирофлар географияси кейинги пайтда тобора кенгайиб, улар аниқ илмий-амалий тадқиқотлар, халқаро таҳлилий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топмоқда. Бунинг тасдиғини халқаро медиа оламида машҳур бўлган CNN компаниясининг АҚШ, Ўзбекистон ва жаҳоннинг бошқа давлатларида таълимнинг ҳолати тўғрисида яқинда эълон қилинган қиёсий ахбороти мисолида яққол кўриш мумкин. Шуниси эътиборлики, бу ахборот Франциянинг нуфузли «Insead» халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) томонидан тайёрланиб, шу йилнинг 3 июлида эълон қилинган «2012 йилдаги инновацияларнинг глобаль индекси» деб номлаган таҳлилий маърузага асосланади.

Айтиш керакки, ушбу тадқиқот дунё мамлакатларининг инновацион ривожланиш борасидаги 80 та кўрсаткичини ўз ичига олади. Тадқиқот 2012 йилда 141 та мамлакатни қамраб олди. Бу мамлакатлар жаҳон миқёсида ялпи ички маҳсулотнинг 99,4 фоизини ишлаб чиқариши, сайёрамиз аҳолисининг 94,9 фоизи айнан шу давлатларда истиқомат қилишини инобатга оладиган бўлсак, мазкур тадқиқотнинг кўлами, салмоғи ва географиясини ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз мумкин.

Маъруза муаллифларининг фикрига кўра, дунё мамлакатлари иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланиши инновацион салоҳият ва қулай шарт-шароитларнинг мавжудлиги билан бевосита боғлиқдир. Бундай ҳолатни баҳолашда ҳар қайси мамлакатнинг инновациялар бўйича индекси алоҳида ўрин тутади. Мазкур индекс эса қуйида баён этилаётган икки гуруҳ кўрсаткичлар бўйича йиғилган умумий баҳолар асосида ҳисобланади. Биринчи гуруҳ – инновацияларни амалга оширш учун мавжуд ресурс ва шароитлар (институтлар; инсон капитали ва тадқиқотлар; инфратузилма; ички бозор ва бизнеснинг ривожланиши). Иккинчи гуруҳ – инновацияларни амалга оширишнинг амалий натижалари (технологиялар ва иқтисодиёт ҳақидаги билимларни ривожлантириш; креатив фаолият натижалари). Якуний индекс харажатлар ва эришилган самара ўртасидаги нисбатни намоён этади ва бу ўз навбатида тадқиқотда қамраб олинган ҳар қайси мамлакатдаги инновацияларни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни холис баҳолаш имконини беради.

Биз учун ғоят қувончли томони шундаки, таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон ушбу рейтинглар рўйхатида 75,38 балл билан дунёда иккинчи ўринни эгаллаган. Биринчи ўринни эса 75,70 балл билан Ирландия банд этган. Дания, Янги Зеландия, Исландия, Бельгия сингари бир гуруҳ ривожланган Европа ва бошқа қитъа мамлакатлари ушбу рўйхатнинг кейинги ўринларидан жой олган.

Катта молиявий ресурсларга эга бўлган Саудия Арабистони 65,49 балл билан 15-ўринни эгаллаган бўлса, дунёнинг энг қудратли давлатлари бўлмиш АҚШ 31-ўринни (61,34 балл), Хитой эса 67-ўринни (52,23 балл) банд этган. Беларусь 60,55 балл билан 36-ўринни, Россия 55,18 балл билан 55-ўринни эгаллаган.

Собиқ совет ҳудудидаги бошқа мамлакатлар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, улар рейтингда қуйидагича жойлашган: Қозоғистон 69-ўрин, Қирғизистон 72-ўрин, Арманистон 85-ўрин, Грузия 87-ўрин, Озарбойжон 89-ўрин, Тожикистон 107-ўрин.

Тадқиқотга биноан, таълим тизими ривожланишининг қатор кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон дунёдаги кўплаб давлатлардан илгарилаб кетган. Хусусан, давлатнинг таълим тизими ривожи, мактабларни капитал қуриш ва янгилаш учун йўналтираётган сарф-харажатлари, ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан ўқитувчиларнинг сони неча фоизни ташкил этиши, аниқ фанлар ва муҳандислик иши соҳасидаги битирувчилар сони, GMAT, яъни ўқувчиларнинг бизнес мактабларида муваффақиятли таълим олиш қобилиятини аниқлаш учун стандартлашган тест асосидаги ўқувчиларнинг ўртача баҳоси ва бошқа кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистоннинг натижалари бошқа мамлакатлардан юқори экани таҳлилий мисоллар орқали аён бўлади.

Зикр этилган тадқиқотда Ўзбекистоннинг бу борада эришган ютуқларининг асосий мезон ва омиллари ҳақида атрофлича фикр юритилади. Айниқса, инсон капитали ва тадқиқотлар учун инвестициялар, таълим ривожига қаратилган давлат харажатларининг даражаси ва умуман, таълим тизимининг ҳолати Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва инновацион салоҳиятининг энг кучли томонларидан бири экани алоҳида таъкидланади.

Шу муносабат билан муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрларини эсга олиш ўринлидир: **«Биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва халқ учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса, бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар».**

Айтиш керакки, бир пайтлар умумбашарий ривожланишдан чиндан ҳам четда қолиб кетган халқимиз ўтмишнинг аччиқ тажрибасидан тўғри сабоқ чиқариб, мустақиллик йилларида илм-маърифатга, интеллектуал тараққиётга интилиш, ёшларимизни айнан шу руҳда тарбиялаш масаласини ўзи учун энг устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олгани ва бу борада улкан амалий самараларга эришаётгани туфайли бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон тараққиётининг олдинги сафларига чиқиб бормоқда. Буни юқорида зикр этилган рейтинг натижалари ҳам яққол исботлаб турибди.

**(ЎзА)**

XXI аср садоси
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Фарғона вилояти Риштон туманида қутлуғ байрам арафасида замонавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди. Ушбу марказда ёшларнинг дам олиши, турли касб-ҳунар сир-асрорларини ўрганиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.**

**● Самарқандда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими раҳбар ва педагог ходимларининг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Анжуманда ўтган ўқув йилида вилоят академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилган ишлар, эришилган муваффақиятлар сарҳисоб қилинди.**

**● Жиззахда тадбиркорлик соҳасига оид берилаётган имтиёз ва эркинликлар, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш мақсадида яратилаётган янги имкониятларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Адлия ва Иқтисодиёт вазирликлари ҳамкорлигида ўтказилган семинарда тегишли давлат ташкилотларининг масъул ходимлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.**

**● Қаршида «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» Қашқадарё вилояти жамоатчилик кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда мазкур форумнинг вилоят жамоатчилик кенгаши аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди. «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятининг асосий мақсади грант олувчилар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолларини, ижтимоий масъулиятли фуқароларнинг ташаббуслари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий йўналтирилган бизнес-лойиҳаларини қўллаб-қувватлашнинг интерфаол тизимини барпо этишга қаратилгандир. Йиғилишда нодавлат нотижорат ташкилотлар олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилди, ушбу марказ фаолиятини янада ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар билдирилди.**

## ЖАҲОНДА

**● Жаҳон аҳолишунослик жамғармасининг маълумотларига қараганда, сайёрамизда аҳоли кўпайиш даражаси йил сайин ошиб бормоқда. Ушбу ташкилот вакилларининг айтишича, бугунги кунда дунё аҳолисининг сони қарийб 7 миллиард 58 миллионга етган. Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, сайёрамиз аҳолиси сони ҳар йили ўрта ҳисобда 80 миллион нафарга кўпаймоқда. Бу кўрсаткич, айниқса, Африка қитъасида катта суръат билан ўсиб бораётир. Мазкур қитъа аҳолиси сони сўнгги бир аср ичида 3,5 миллиард нафарга кўпайган. Экспертлар аҳоли сонининг кескин ошиши ичимлик суви ва озиқ-овқат танқислиги каби муаммоларнинг кўпайишига сабаб бўлаётганини таъкидламоқда.**

**● Чилилик олимлар томонидан яратилган янги кашфиёт – тишларни кемирувчи кариесни бутунлай йўқотишга қодир молекуланинг АҚШда тақдимоти бўлиб ўтди. Йель университети ходими Хосе Кордова ва Сантьяго университети вакили Эрих Астудильонинг ҳамкорликда олиб борган кўп йиллик тадқиқотлари самарасида кашф этилган ушбу ақлли молекула «Keep 32» деб ном олган. Маълумотларга қараганда, «32 тишингни асра» деган маънони англатувчи ушбу молекула кариесни келтириб чиқарувчи «Streptococcus Mutans» бактерияларини атиги бир дақиқа ичида ўлдириш хусусиятига эга. Хабарларга кўра, стоматология оламида катта янгилик ҳисобланаётган мазкур лойиҳани тез орада амалиётга жорий этиш кўзда тутилмоқда.**

**● Франциянинг «Renault» автомобилсозлик корпорацияси раҳбарияти компаниянинг Испаниядаги бўлимидан «Laguna» ва «Espace» русумидаги автомобилларни сотиб олган ҳар бир харидорга электр қуввати билан ҳаракатланадиган «Twizy» русумидаги машина ҳадя этилишини маълум қилди. Ушбу лойиҳа автомобиль савдосини янада ошириш мақсадида амалга оширилмоқда. Хабарларга қараганда, «Twizy» икки хилдаги модификацияда ишлаб чиқарилмоқда. Улардан бири соатига қирқ беш (нархи 11 минг АҚШ долларига тенг), иккинчиси эса етмиш беш (12,5 минг доллар) километр тезлик билан ҳаракатланади. Уларнинг бир марталик қуввати юз километр масофани босиб ўтишга етади. Қизиғи шундаки, Европа мамлакатларида ушбу автомобилларни ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаганлар ҳам бошқариши мумкин.**

# АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

*Сизларни Мустақиллигимизнинг*
*қутлуғ 21 йиллик тўйи билан*
*сидқидилдан табриклаймиз.*
*Бахт ва омад ҳамиша*
*ҳамроҳингиз бўлсин.*
*Оилаларимиз тинч,*
*дастурхонимиз тўкин,*
*юртимиз*
*кўркам ва обод бўлсин!*

**“KOM-R.A.N.” ХУСУСИЙ**
**КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**



TURON BANK

***Жаннатмакон диёримиз аҳли ва меҳмонларини,***
***барча мулкдору тадбиркорларни***
***Ватанимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги***
***байрами муносабати билан табриклайди.***
***Шу шодиёна кунларда меҳнатсевар халқимизга***
***сиҳат-саломатлик, оилавий тинчлик,***
***эзгу ва хайрли ишларида омад тилайди.***

ОАТ Туронбанк республикамизнинг барча вилоят шаҳар ва туманларидаги 17 та филиал ва 30 та минибанклари орқали хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек аҳоли омонатларини банкка жалб қилиш мақсадида 16 турдан ортиқ омонатларни, халқаро пул ўтказмаларини ва барча турдаги банк хизматларини амалга оширмоқда.
Мазкур филиал ва минибанклар зарур ускуналар ва энг янги банк технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, мижозларга намунали хизмат кўрсатиш учун қулай шароитлар яратилган.
“Ahbor-Reyting” РА “Туронбанк”нинг рейтингини “UzB++” даражасида “Ижобий” прогнози билан тасдиқлади.

Республикамизда биринчи бўлиб Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 42-уйда ОАТ Туронбанки ва “Western Union” Компанияси билан биргаликда янги махсус “Western Union” халқаро пул ўтказмалари шахобчаси ўз иш фаолиятини бошлади. Мазкур шахобчада мижозларга “Western Union” халқаро пул ўтказмалари хизмати билан биргаликда «Coinstar», «CONTACT», «Быстрая почта», «BLIZKO», «Золотая Корона», «MIGOM», «ЮНИСТРИМ» халқаро пул ўтказмалари орқали ҳам хизматлар кўрсатилади.
Тел: (+99871) 244-27-98
Тел: (+99895) 144-60-00




хизматлар лицензияланган

# XALQ BANKI

## ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

*жамоаси барча юртдошларимизни*

**Истиқлолимизнинг 21 йиллиги**
**билан табриклайди!**

**Байрам муносабати билан Сиз азизларга янги “Болажонга мадад” жамғарма ҳамда “Оила манфаати” муддатли омонатларини таклиф этади.**
**Омонатларга маблағлар банкнинг филиаллари томонидан миллий валютада чекланмаган миқдорда нақд ва нақд пулсиз шаклда қабул қилинади.**

**Маблағларингизни мазкур омонатларда сақлаб даромад олинг, имкониятни қўлдан бой берманг!**



Доим Сиз билан бирга

хизматлар лицензияланган

ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!



*Энг улуғ, энг азиз байрам –*
*мамлакатимиз Мустақиллигининг*
*21 йиллиги барчангизга муборак бўлсин.*
*Юртимиз равнақи йўлида олиб бораётган*
*ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлишига*
*тилакдошмиз.*

“ҒИЁС САВДО”
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Қибрай тумани СИБ томонидан 13.07.2011 й. № 4912-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ Қовоқ Қ.Ф.Й., А. Узумзор маҳалласида жойлашган қурилиши битмаган дўкон. Бошланғич баҳоси 132 729 000 сўм. 2. Қибрай тумани СИБ томонидан 13.07.2011 й. № 1087-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ Қовоқ Қ.Ф.Й., 1-уй, 25-хона. Бошланғич баҳоси 45 623 700 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 17 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 3. Қибрай тумани СИБ томонидан 18.02.2011 й. № 1131/28588-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай Ш.Ф.Й ҳудудида жойлашган кўчмас мулк. Бошланғич баҳоси 351 030 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 1 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 1 октябрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 16 октябрь куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтохур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8 - 371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052





***Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва академик доиралари вакиллари юртимизнинг истиқлол йиллари давомида эришган муваффақиятлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.***

## М. ПАПАСАВАС: «ЎЗБЕКИСТОН — ЖОЗИБАДОР ЎЛКА»

Жумладан, **грециялик таниқли журналист ва сиёсий шарҳловчи К. Царухас** пировард мақсад — халқ фаровонлиги таъминланиши йўлида мамлакатимизда амал қилинаётган тамойиллар – ислоҳотларнинг тадрижийлиги, прагматизм, қонун устуворлиги, жамиятни демократлаштириш Ўзбекистон муваффақиятларининг ўзига хос жиҳати эканлигини қайд этди.

— Ўз тараққиёт стратегиясининг пухталиги боис мамлакатингиз барча иқтисодий кўрсаткичлар бўйича барқарор ўсиш суръатларини намоён этмоқда, — деди у. — Мамлакат раҳбарияти томонидан кучли ижтимоий сиёсат олиб борилгани ҳолда, ақлан ва жисмонан етук, соғлом авлодни тарбиялашга улкан эътибор қаратилаётгани биринчи галда, давлатнинг келажак ҳақида ғамхўрлик қилаётганидан далолатдир.

Грецияда чоп этиладиган **«Бестенд Паблишинг» нашрининг ижодий ходими Х. Дигридакис** Ўзбекистон хорижий элларда, турли соҳа вакилларида катта қизиқиш уйғотаётганини айтди.

— Мамлакатингиз жозибадорлиги юртда тинчлик ва барқарорликнинг таъминланиши, амалга оширилаётган ҳар томонлама мақбул сармоявий сиёсат, чет эллик тадбиркорлар учун яратилаётган имтиёз ва қулайликлар сингари кўплаб омиллар билан изоҳланади, — деди грециялик журналист. — Давлатингизнинг келажак томон, ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидаёқ белгилаб олинган марралар сари шитоб билан интилаётгани ҳам эътиборга сазовордир.

Ўзбекистонда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун бўлиб, аҳоли, оила, ёшлар ва оналикни қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили», деб эълон қилиниши жамиятдаги асосий инсоний қадриятларни мустаҳкамлайди, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар эса маънавий ва ақлий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом авлодни тарбиялашга имконият яратади.

**Таниқли ишбилармон, «Папасавас Групп» компанияси президенти М. Папасавас** эътироф этганидек, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий соҳани либераллаштиришга қаратилган тизимли ислоҳотларни муваффақиятли тарзда амалга оширмоқда.

— Дунёнинг кўплаб давлатларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратлари кузатилаётган ва воқеалар ривожини олдиндан айтиш қийин бўлган бир даврда мамлакатингиз ўз олдига қўйган мақсадлари томон жадаллик билан ҳаракатланмоқда, — деди у. — Ўзбекистон аҳолиси қабул қилинган тараққиёт йўналишини тўла қўллаб-қувватлайди, зеро у ижтимоий йўналтирилгани билан ҳаммага аниқ-равшан, тушунарли ва яқиндир.

Дунёдаги ҳеч бир давлат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка етарли эътибор бермасдан салмоқли муваффақиятларга эриша олмаган. Бугун Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик учун ҳам, сармоявий фаолият учун ҳам энг қулай шарт-шароитлар яратилгандир. Ишбилармон сифатида мен бу ҳолатни республикангиз бозорига эътибор қаратиш учун жиддий омиллар, деб биламан. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон жозибадор ўлкадир, шу боис кўплаб хорижий компаниялар ва ишбилармонлар мамлакатингиз билан яқин ҳамкорлик қилмоқда.

**«Жаҳон» АА**
**Афина**

**Пиру бадавлатларимиз**

## ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШИБ

***Юртимизнинг ҳар бир гўшасида байрам шукуҳи. Кўнгиллар қувончга тўла. Ободлик, орасталик ва бунёдкорликдан кўз қувнайди. Шундай улуғ айём кунларида халқимизнинг азалий бир эзгу одати яққол намоён бўлаётир. Элимизнинг пиру бадавлат, табаррук инсонлари улуғланиб, уларнинг олтинга тенг дуолари олинаётир. Бу дегани эртамизнинг нурафшон кунларига тинчлик, хотиржамлик билан қадам қўйилади. Бугун ана шундай байрам нашидасидан баҳра олаётган 107 ёшни қаршилаган Зуҳра биби қўлларини дуога очган ҳолда, юртимизга тинчлик, халқимизга тўкинлик ва фаровонлик, ризқу рўзимиз бутунлиги учун шукроналар келтирди.***

Ҳамза туманидаги «Катта Янгиобод» маҳалласида истиқомат қилувчи онахонимиз Зуҳра биби Адилова Истиқлолимизнинг 21 йиллик байрами муносабати билан юртимизда ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб, табаррук юздан ошган инсонлар қаторида Президентимиз Фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.



Биз онахоннимизни ушбу юксак мукофот билан муборакбод этгани шошилдик ва хонадонларига бориб, қувончларига шерик бўлдик. Юзу кўзларидан самимият ва нур ёғилиб турган, табаррук ёшларида ҳам чаққонлик билан юриб, барчани очиқ чеҳра билан кутиб олаётган, қўллари дуода бўлган Зуҳра биби онахонимиз билан суҳбатимиз жуда мароқли кечди. – Онахон айни пайтда кўнглингиздан нималар кечди, — деб сўраганимизда улар шундай жавоб бердилар:

— Мустақиллик Энг буюк, энг азиз неъмат. Уни асрлар давомида аждодларимиз орзу қилган, озодлик учун жонини фидо этган юртдошларимиз кўра олмаган фарахбахш кунлар бизларга насиб этди. Шундай қутлуғ кунларда мукофот олишнинг ўзгача бир қувончи бор. Бунинг учун авваламбор Президентимизга миннатдорчилик билдирамиз. Биздай ёши улуғ инсонларни ҳамиша йўқлаб турганлари ва барча шарт-шароитларни яратаётганлари учун минг раҳмат. Илоҳим, Истиқлолимиз абадий бўлсин, барчанинг хонадонида осойишталик, шодлик ҳукм сурсин.

Ўтган ҳаётимни эслайдиган бўлсам, турмуш ўртоғим эрта оламдан ўтдилар. Олтита фарзандни вояга етказдим, бугунги кунда уларнинг иккитаси ҳаёт. 95 нафар набираю эвараларнинг бувиси бўлиб, уларнинг ардоғида умргузаронлик қилмоқдаман. Шаҳримиздаги ўзгаришларни кўриб ҳайратланаман. Пойтахтимизнинг кўркамлиги, гўзаллиги, осудалиги ва меҳмонсеварлиги билан фахрланаман. Шундай кунларга етишганимга минг бора шукрлар бўлсин.

— Онахоннинг оилаларига ҳаммамиз ҳавас қиламиз, — дея суҳбатимизга қўшилди «Катта Янгиобод» маҳалласи оқсоқоли Комил Зиёмуҳамедов. — 3336 нафар фуқаролар истиқомат қилаётган маҳалламизда Зуҳра бибининг хонадонлари намуна тимсолига айланган. 75 ёшни қарши олган ўғиллари Эркин ака ҳам маҳалламизнинг фаолларидан саналади. Ҳар бир ишда маслаҳатгўй. Зуҳра бибининг дуоси, панд-насиҳатлари эса бир қанча оилаларнинг мустаҳкам ҳаёт кечиришига сабаб бўлган. Маҳалламизда 487 та хонадон бўлса, шундан 5 тасида 90 ёшдан ошган нуронийлар бор. Улар бизга ҳар бир ишда маслаҳатчи, йўлбошчи. Айниқса Зуҳра биби онахонимиз маҳалла аёллари, қизлари учун ибрат мактаби. Онахоннинг дуосини ва маслаҳатини олиш учун ёшлар тез-тез бу хонадонга келиб туришади.

— Онамиз бизнинг бахтимиз, тахтимиз, дуогўйимиз, оиламизнинг файзи-таровати, — дейди онахоннинг 75 ёшни қаршилаган ўғиллари Эркин ака. Уларнинг дуолари, панд-насиҳатлари билан фарзандларимиз, набираларимиз одобли, илмли, келинларимиз иболи, набираларимиз эса билим ва ҳунар эгаллашга интилган. Бувисининг ўгитлари уларни тўғри йўлга бошлайди. Инсон умр бўйи ўқиш-ўрганишдан чарчамаслиги керак экан. Онамиздаги ғайрат-шижоат бизни ҳам доимо олдинга бошлайди. Ўзим ҳам тўрт нафар фарзандим ва 16 нафар набираларим бағрида, онамга суяниб яшамоқдаман. Фарзанд неча ёшда бўлса ҳам, онаси учун ёш боладай бўлар экан, онам ҳамиша қилаётган ишларимни сўраб, тергаб турадилар.

Аср билан юзлашган онахон қўлларини дуога очиб юртимизга тинчлик, дастурхонимизга тўкинлик, эзгу ишларимизга бардавомлик, Юртбошимизга узоқ умр тиладилар. Пиру бадавлат инсонларнинг дуолари ҳамиша ижобат бўлади. Шундай қутлуғ ёш барчамизга насиб этсин. Онахоннинг умрлари бунданда зиёда бўлсин.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: Зуҳра биби яқинлари даврасида**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

## ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги кенг нишонланиши муносабати билан пойтахтимизда ўтказиладиган шодиёналар, халқ сайиллари давомида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими фармойишига мувофиқ байрам кунларида шаҳримизнинг қуйидаги манзиллари бўйича барча турдаги транспорт воситалари ҳаракатининг вақтинча чекланиши кўзда тутилмоқда.

– Бунёдкор шоҳкўчаси – Муқимий кўчасидан А.Хўжаев кўчасига қадар;

– А.Хўжаев кўчаси – Самарқанд дарвоза кўчасидан Ўзбекистон кўчасига қадар;

– Ўзбекистон кўчаси – Бунёдкор шоҳкўчасидан Олмазор кўчасига қадар;

– Бобур кўчаси – Ўриксор кўчасидан Шаршара кўчасига қадар;

– Бешёғоч кўчаси – Ўзбекистон кўчасидан Олмазор кўчасига қадар;

– Фурқат кўчаси – Шаршара кўчасидан Навоий кўчасига қадар;

– Олмазор кўчаси – Ўзбекистон кўчасидан Бешёғоч кўчасига қадар;

– Себзор кўчаси тоннелга кириш йўлидан;

– Зарқайнар кўчаси тоннелга кириш йўлидан.

Шу билан бир қаторда 2012 йилнинг 1 сентябрь куни байрам тадбирлари ўтказиладиган «Авиасозлар» маданият саройи олдидаги ва Алишер Навоий номидаги театр олдидаги майдонларга, Сайилгоҳ кўчасига, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Мирзо Улуғбек, Бобур номидаги ва «Янги Сергели», «Боғишамол» номли истироҳат боғларига, Ибн Сино гузарига, Талабалар шаҳарчасига, «Бектемир» спорт мажмуасига туташ кўчаларда халқ сайли вақтида вазият тақозо этганда транспорт воситаларининг қатнови вақтинчалик тўхтатилади.

Шароит тақозо этганда бошқа кўчаларда ҳам қисқа муддатларга транспорт воситалари ҳаракати чекланиши мумкин.

**Ўз-ўз ўрганиб домо бўлур**

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Тафаккур — инсоннинг асосий қуролидир.**

**Тафаккур қудратига тенг келувчи куч йўқ.**

**Фикри чуқур одамнинг иродаси кучли бўлади.**

**Қиёфадаги ҳамма ҳолатни сўз билан тасвирлаб бўлмайди. Аммо ақл кўзи бир қарашдаёқ айтади.**

**Ақл — қилни қирққа ёради.**

**Ақлнинг кўз, қулоқ ва тил деган хизматкорлари бор.**

**Ақл кучи қилган ишни кўл кучи қила олмайди.**

**Ақлу заковатга еру осмон бўйсунгандир.**

**Тасаввурлар — ақл маҳсулоти.**

**Одамнинг ақли ҳар қандай ёвузликни ҳам занжирбанд қила олади.**

**Бир сўзнинг бир неча маъноси борлигини фақат ақл билади.**

**Ҳаёт уйини ақл чироғи ёритгандир.**

**Ақл тақдирдаги нохушликларга ҳам чап бера олади.**

**Ақлнинг чироғи ўзи билан, керак чоғда у ҳамма ҳолатни ёритиб кўра олади.**

**Бир донолнинг ишини — юз нодон қилолмайди.**

**Инсоннинг ақли — уммондек теран ва кенг.**

**Ақлли — муҳтож кунга қолмайди.**

**Ақлнинг намойиши — ҳаммани мафтун эта олади.**

**Шундай одамлар борки, уларнинг ақл билан қилган ишлари дунёни ларзага солади.**

**Жисмоний кучдан, ақл кучи зўрроқ.**

**Оқил — кўп эшитиб, оз айтади.**

**Одам қариган сари, ақли ёшаради.**

**Ақл — хазина, калити — тил.**

**Кўз — масофалаб кўради, ақл эса бепоён.**

**(Давоми бор)**

**ЎЗГИДРОМЕТ** ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **31 август** куни ҳаво очиқ бўлади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 19-21, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **31 августда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, таг-миқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 841
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4970 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 15.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5